



# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 29-yanvar • Payshanba • 12 (27.973) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроқўмининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган асосий вазифалар муҳокама этилди.**

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
PREZIDENTINING  
FARMONI

**«THE KOREA POST» ЖУРНАЛИ  
PREZIDENTI-НОШИРИ  
ЛИ КЕНГ СИКНИ «ДЎСТЛИК»  
ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ҳамда мустақамлашга, шунингдек, ўзбек халқининг бой маданий, маънавий ва тарихий меросини, Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотларни кенг халқро жамоатчилик орасида фаол тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси учун «The Korea Post» журнали Президент-ношири Ли Кенг Сик «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри, 2009 йил 28 январь

## ЎЗБЕКISTON ВА РОССИЯ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАМОҚДА

Россия Федерацияси Президенти Д.Медведевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунлари хориж сиёсий, эксперт ва ишбилармон доиралари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди ҳамда чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Экспертлар берган баҳолар ва оммавий ахборот воситалари шарҳларида мазкур воқеа Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик мақомидаги икки томонлама алоқаларни мустақамлаш ва кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлгани борасидаги фикрлар асосий ўринни эгаллади.

Россиядаги етакчи газета, ахборот агентликлари, теле-ва радиоканаллар, интернет-нашрлари Президент Д.Медведев-

нинг Ўзбекистонга давлат ташрифи жараёнларини тезкорлик билан ёритиб турди. Мамлакатнинг «Биринчи канал», РТР, НТВ, ТВЦ, «Бе-шенчи канал — Санкт-Петербург» ва бошқа Федерал ОАВлари аниқликларнинг ҳар бир сонини Самарқанд, сўнгра эса Тошкентдан олинган хабарлар билан бошлади.

Россиядаги етакчи газета, ахборот агентликлари, теле-ва радиоканаллар, интернет-нашрлари Президент Д.Медведев-

2-бет >

## ➤ ЎзХДП: устувор вазифалар

# ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ

партия электорати манфаатларига хизмат қилади, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўмининг 2009 йил 27 январь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида



Ижроқўм йиғилиши иккинчи марта on-line видеоконференция шаклида ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидаги видеотерминалларга Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўмитаси, партия минтақавий ташкилотларининг сайланма органлари аъзолари, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталарининг жойлардаги мухбирлари таклиф қилинди.

Йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон

қилинган 2009 йилдаги устувор ижтимоий масалаларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари ва маҳаллий партия ташкилотларининг самарали иштирокити таъминлаш масаласи муҳокама этилди. Тегишли Давлат дастури тасдиқлангандан кейин жойларда унинг ижроси тўлиқ таъминланишига эришиш партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳларининг диққат марказида туриши лозимлиги таъкидланди. Чунки қишлоқ жойларида партия электоратининг катта қисми яшайди.

2-бет >

## ! Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

### МУЗЕЙГА СОВГА

Германиянинг Ўзбекистондаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Матиас Майер Қорақалпоқ давлат санъат музейига ташрифи буюриб, санъат дурдоналарини таъмирлашда фойдаланадиган ускуна-жихозлар ва материаллар совга қилди. — Бу совгаларнинг қиммати шундаки, — дейди музей директори Мариника Бобоназарова, — улар ёрдамида музейимизда сақланаётган кўплаб экспонатларни ҳақиқий ҳолатида сақлашимиз, эскирганларини қайта тиклашимиз мумкин.

Рейнмбой **ЕШИМБЕТОВ**

### МУБОРАК ФУТБОЛ АКАДЕМИЯСИ

Муборак газни қайта ишлаш корхонаси ҳомийлик қиладиган «Машъал» футбол клуби Чирочқи тумани ва бошқа жойларда ўйингоҳлар қурилишига яқиндан кўмак бериб келяпти. Айниқса, клуб қошида футбол академияси ташкил этилгани ёш истеъодларга қанот бағишламоқда.

Футбол академиясида машғулотларни ўтказиш, қобилиятли ёшларни саралаб олиш яхши йўлга қўйилган. Масалан, унинг тарбияланувчилари ўтган йили олий лига жамоаларининг тайёрлов гуруҳлари ўртасидаги мусобақада 2-ўринни эгаллашди. Бошқа футбол клублари билан ҳамкорлик ҳам ривожланиб бораёпти. Хозир академияда 200 нафарга яқин ёш спортчи машғулотларга қатнашаёпти. Уларга ўнлаб тажрибали мураббийлар сабоқ беришмоқда.

Юнус **УЗОҚОВ**

### ҲИММАТ

Шаҳрихон шаҳрининг «Қоракўрпа» маҳалласида 216 ўринли мактаб, катта спорт зали, 100 ўринли болалар боччаси бинолари қад ростляпти. Бу замонавий иморатларни маҳалладошларига Наврўз байрамига совга сифатида тадбиркор Дилмурод Саматов ўз маблағи ҳисобидан бунёд этаяпти.

Алмамдилло **СОЛИЕВ**

*Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қудратли, жаҳон андозаларига мос замонавий моддий-техник базага ва юқори малакали мутахассисларга эга бўлган фуқаро авиацияси яратилди*



## ПАРВОЗЛАР ЯНАДА БАЛАНД БЎЛСИН!

Ўтган ўн етти йилда миллий авиакомпаниямиз ривожланиб, замонавий ҳаво кемаларига эга бўлди, парвозлар йўналишлари кенгайди.

«Ил-62», «Ил-86», «Ту-154» сингари эски самолётлар ўрнига жаҳон авиацияси индустрияси етакчиларининг замонавий, қулай ва тежамкор машиналари кириб келди.

Эндиликда авиакомпания томонидан «В-767-300ER», «В-757-200», «А-310», «RJ-85» ҳамда ўзимизда ишлаб чиқарилган «Ил-114-100» русумидаги самолётлардан фойдаланилмоқда.

Йўловчиларнинг миллий авиакомпаниямизга ишончи тобора ортоқ-

да. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК Бош директори Валерий Тянининг таъкидлашича, ўтган йили илк бор икки миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилган.

Авиация соҳасининг муваффақиятли ривожини — бу авваламбор юқори малакали учувчилар таркиби, авиация техникалари, ердаги хизматлар мутахассис ва ишчи-ҳодимларнинг меҳнатлари шарофатидир. Барча ҳаракатларнинг тартибли йўлга қўйилганлиги ва ишга масъулият билан ёндашиш йўловчиларнинг ҳар ҳақдан қулай ташилиши ва юқларнинг узлуксиз етказиб берилишини таъминламоқда.

Алишер **РЎЗИЕВ**

## • БУХОРОНИНГ «ЯШИЛ ҚАЛҚОН»И



*Зеро, табиатда мувозанат бузилишидан нанки инсон, балки бутун жонзот, усимликлар дунёси, борлиқ азият чекади...*

3-бет >

## ➤ Маънавий мерос

### • НАВОИЙ ВА ШАТРАНЖ

*У зот фикрни кенгайтириш учун шатранж ўйнаганда ҳам бировларга яхшилик қилиш ҳақида ўйлаган.*



4-бет >

## ➤ Эртанги кун бизники — марра бизники!

# АЛПОМИШЛАР ЯШАР БУ ЭЛДА!..

Ҳар биримиз учун кўз очиб кўрган гўшамиз, тугилиб ўсган оиламиз қанчалки муқаддас саналса, болалигимизда эшитган аёллар, эртаклар, дostonлар ҳам шу қадар азиз. Улардаги эзгулик бизнинг руҳиятимиз, орзуларимиз ва мақсадларимизнинг ажралмас қисмига айланиб кетган.



Маҳаллада ёши катта одамлар болаларни кураш туширишарди ва голибни «Алпомиш» деб мақташарди. Мен унда бола эдим, Алпомининг қимлигини билмасдим. Лекин кўншлилар Алпомиш деб чақирганда хурсанд бўлиб кетадиган ўзимдан катта болаларга ҳавасим келарди. Тезроқ улғайсам, курашда голиб чиқиб энгилмайдиган Алпомишлар сафига қўшилсам дердим. Бу — болалигимнинг пок орзулари эди. Йиллар ўтгани сайин Алпомиш оддий ном эмаслигини, озодликка интилган, фарзандлари мард ва қўрқмас бўлиб ўсишини умид қилган халқнинг энг эзгу нияти эканлигини англаб бордим.

Дунёда тили, дини ва урф-одатлари турлича бўлган миллатлар кўп. Балки улар ҳудуд жиҳатидан бир-биридан узоқдир. Аммо ер юзидеги барча одамларни инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули — эзгуликка етакловчи эртаклар, қаҳрамонлик дostonлари ва эпослар ўзаро яқинлаштиради.

2-бет >



Хизматлар лицензияланган





